

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan 2019-yil 13-iyun, payshanba 43 (9010)-son web sayt: www.qishloqhayoti.uz



Наманган вилояти

Ишлаб чиқариш ҳажми ортди

Наманган туманидаги "Mergumed Farm" масъулияти чекланган жамиятининг навбатдаги ишлаб чиқариш мажмуаси иш бошлади.

2010 йилда 30 ишчи билан фаолият бошлаган "Mergumed Farm" корхонасида бугунги кунда 700 дан зиёд киши – оли ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар, ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Йилга 120 миллионга яқин ўрам дори воситалари ишлаб чиқариш қувватига эга корхона Фарғона водийсидаги энг йирик фармацевтик корхонасидир. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг 97 фоизи "Mergumed Farm" хиссасига тўғри келади. Корхонада таблетка, капсула, инъекцион ва инфузион эритмалар, мазь, сироп, суспензия, кукун кўринишидаги антибиотиклар ишлаб чиқарилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2016 йилда корхонада 275 киши меҳнат қилган ва 59 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилда ишчи-ходимлар сони 360 нафарга ва ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 105 миллиард сўмга етган. 2018 йилда эса "Mergumed Farm" да яратилган иш ўринлари сони 650 та, йиллик маҳсулот қиймати 202 миллиард сўмдан ортгани қайд этилди.

Ўтган йили Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатларига 700 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 1,5 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Инфузион эритмалар, кўз томчилари, пластик ҳамда шиша ампулаларда инъекцион эритмалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги цех лойиҳаси Президентимизнинг 2017 йил июль ойида вилоятга ташириши чоғида тақдим этилган эди.

Ўтган икки йилда бу ерда қиймати 25 миллион долларга тенг лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 7 йўналишда 120 турдаги дори-дармон ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги цех қуриб битказилди, – дейди "Mergumed Farm" корхонаси раҳбари Н.Азизов. – Йилга 15 миллион 600 минг флакон глюкоза, натрий хлорид, рингер, метронидазол, ципрофлоксацин ва бошқа дори воситалари ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди.

Корхонанинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқди.

Ақромжон САТТОРОВ, ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТДА АГРАР СОҲАГА ИХТИСОСЛАШГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР ИШ БОШЛАДИ

"Ўзэкспомарказ" да агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар бўйича "Uzbekistan Agrotech Expo – 2019" XIV халқаро ихтисослаштирилган ҳамда "Uzbekistan Agromash Expo – 2019" VIII халқаро ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг кўرғазмалари очилди.



Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.Хўжаев ва бошқалар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги изчил ривожланаётгани, пировардида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланаётгани, маҳсулотларни қайта ишлаш ҳажми ортиб, экспорт қўлами кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Кўрғазмада 197 компания қатнашаётган бўлиб, уларнинг 152 таси Хитой, Япония, Жанубий Корея, Италия, Германия, Бельгия, Голландия, Буюк Британия, Беларусь, Россия каби хориж мамлакатларидан келган. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари-

ни қадоқлаш технологиялари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва боғдорчилик ускуналари, чорва учун ем тайёрлаш жиҳозларини намойиш этиб, ўсимликлар химояси учун кимёвий моддалар ва замонавий иссиқхона хўжалиқларини ташкил этиш каби хизматларни тақдир қилмоқда.

Ўзбекистонлик фермерлар билан 15 йилдан буён ҳамкорлик қилаётган Голландия ва Венгриянинг "Hunland" қўшма компанияси наслдор чорва ҳайвонларини етказиб бериш билан шугулланади.

– Ўзбекистонда чорвачилик яхши ривожланмоқда, – дейди ушбу компаниянинг мамлакатимиз-

даги вакили Нигора Турғунхўжаева. – Кўрғазмада кўплаб тақдирларни қабул қилаяпмиз. Биз мижозларимизга иқлим шароитидан келиб чиқиб қайси турдаги чорвани боқиб, етказиб берган чорвани қандай парваришлаш бўйича зарур тавсияларни ҳам бериб борамиз. Шу боис мижозларимиз ҳам кўпайиб бормоқда.

Жанубий Кореянинг замонавий иссиқхоналар қуришга ихтисослашган "Hankook agricultural materials CO., HanNong Co Korea" компанияси мамлакатимизда бир йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.

– Ҳозир Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида 2 гектарлик иссиқхона қураяпмиз,

– дейди мазкур компания вакили Шуҳрат Қосимхўжаев. – Тез кунларда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида гидропоника усулида ишлайдиган 7 гектарлик иссиқхона қуришни бошлаймиз. Бугунги кўрғазмада янги мижозлар топиш мақсадида иштирок этаяпмиз.

"Uzbekistan Agromash Expo – 2019" халқаро кўрғазмасида "Ўзагротехсаноатхолдин" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар, етакчи хориж компанияларининг 70 дан орტიқ турдаги маҳсулоти намойиш этилмоқда.

– Ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги техникаларимиз нафақат мамлакатимиз ички бо-

зори, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда, – деди "Ўзагротехсаноатхолдин" АЖ маркетинг бошқармаси бошлиги Илҳом Алимов. – Бугунги кўрғазмада 15 турдаги трактор, 30 турдан ортиқ тиркама, агрегатларни намойишга қўйганмиз. Тадбиркорлар билан келишувларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Кўрғазмада шולי ва сабзавот қўчатларини экишга мўлжалланган техникалар катта қизиқиш уйғотди. Германия қишлоқ хўжалиги жамияти томонидан "Даладан – дастурхонга" номли халқаро конференция ҳам ўтказилди.

Абдулазиз МУСАЕВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 11 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга қийматини куйидаги қийматини белгилади:*)	1 АҚШ доллари	8518,68	1 Миср фунти	509,80
	1 ЕВРО	9652,52	1 Австралия доллари	5961,37
	1 Россия рубли	131,33	1 Туркия лираси	1461,18
	1 Англия фунт стерлинги	10847,69	1 СДР	11784,83
	1 Япония иенаси	78,75	1 Канада доллари	6421,92
	1 Жанубий Корея вони	7,21	1 Украина гривнаси	318,46
	1 Кувайт динори	28054,27	1 Польша злотийси	2266,75
	1 Малайзия ринггити	2049,24		
	1 Хитой юани	1233,57		
	1 Сингапур доллари	6253,62		
	1 Швейцария франки	8625,64		
	1 БАА дирҳами	2319,46		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



М.КОМИЛОВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

Миллий гвардия – миллий фуруримиз ҳимоячиси

Мамлакатимизда Миллий гвардиямизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси сафида миллат манфаатлари йўлида астойдил жон куйдираётган 30 нафар ҳарбий хизматчи Қарши шаҳрида барпо этилган янги уй соҳибларига айланишди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиёв, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Юртимиз тинчлиги учун сидқидилдан хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун барпо этилган кўп қаватли замонавий уйларнинг қалитлари тантанали равишда топширилди.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

✓"Ташаббус - 2019"

Навоийлик ташаббускорлар аниқланди

Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази" да Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус-2019" кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди.



Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Унда танловнинг туман, шаҳар bosқичларида голибликни қўлга киритган, ўз йўналишида катта муваффақиятларга эришаётган, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хўжалик юритишнинг бошқа соҳаларида ташаббус кўрсатаётган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тиришга муносиб ҳисса қўшаётган 48 нафар тадбиркор, фермер ва хунармандлар иштирок этди. Эътироф этиш жоизки, бу йилги танлов иштирокчилари

орасида тадбиркорликда аллақачон ўз ўрнига, йўналишига эга бўлган тажрибали ишбилармонлар билан бирга, интилувчан ва ташаббускор ёшлар сафи ҳам

кенгайиб бораётгани ўз исботини топди. Мазкур кўрик-танлов ташаббускор тадбиркорларни кашф этиш, уларнинг ўзаро тажриба

аллақачон муҳим аҳамият касб этди. Кўрик-танловда "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича Навоий шаҳридаги "ZARAFSHAN GOLDEN GROUP" компанияси, "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида Навоий шаҳридаги "Трайдинг сервис" корхонаси, "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори" йўналишида "Экспорт Фиш Продукт" масъулияти чекланган жамияти, "Йилнинг энг яхши фермери" номинацияси бўйича эса Навбахор туманидаги "Сафо севди" кўп тармоқли фермер хўжалигига биринчи ўрин насиб этди. Шунингдек, "Йилнинг энг яхши хунарманди" номинацияси бўйича биринчи ўринни Нурота туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор Гулмира Исломова қўлга киритиб, танловнинг мамлакат bosқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қўли очиқнинг йўли ҳам очиқ

Хоразм вилояти

Шовот – азиз авлиёу анбиёлар қадами теккан қутлуғ замин. Унинг дунёга машҳур Кат қалъасида буюк зотлар анжуман қурган. Мукулмон оламуга танилган буюк аллома Юсуф Хамадоний ҳазратларининг қадамжоси ҳам шу заминда. Аниқроғи, Бешмерган қишлоғида жойлашган. Булбулзабон санъаткор Комилжон Отаниёзовни тетапоя қилган ҳам шу заминдир.



Ака-укалар кенгашиб оиланинг тўртинчи фарзанди Шухрат Ҳамадоний хўжаликка расман раҳбар қилиб тайинланди.

Дастлаб икки гектар ер ва саноқли қорамол билан иш бошлаган фермер хўжалигининг бугунги умумий ер майдони 105 гектарни, мол сони эса 200 бошни ташкил қилади.

– Отам бизга кўп нарсаларни ўргатиб кетди, – дейди Раҳмонберган Ҳамадоний ўша даврларни эслаб. – У киши янгиликка интилувчи, дунё хабарларидан бо-хабар бўлиб турувчи инсон эди. Радио тинглашни яхши кўрарди. Бир пиёла чой ичишга келса ҳам дарров радионинг мурувватини бураб қулоқ тутарди.

бўлиб, кейинчалик уни кўп тармоқли қилиш ҳаракати бошланди. Наслдор чорва моллари боқишга ихтисослаштирилди. 2006 йили банкдан 20 миллион сўм кредит олинди, Украина давлатидан 10 бош, кейинчалик яна 15 бош наслли қорамол олиб келинди. Шу тариқа чорва бош сони йил сайин кўпайиб борди. Даромад ҳам чакки эмас. Кунига 500-600 литрдан зиёд сут сотилмоқда. Аҳолига имтиёзли кредит ҳисобига қорамоллар етказиб берилмоқда. Шу кунгача 50 бошдан зиёд наслдор қорамол 300 миллион сўмга сотилди.

Аҳолига хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида маҳалла марказида “Маҳалла

ҳам фермер хўжалигида сердаромад соҳалардан ҳисобланади. 20 гектар майдонда гўза парвариши олиб борилади. 25 гектар майдондаги буғдой ҳосили пишиқ етилди. Фермер Шухрат Ҳамадоний гектаридан 70 центнердан галла ҳосили олишни кўзламоқда. 50 гектар майдонга чорва моллари учун озуқа экинлари экилган.

Фермер хўжалигининг икки гектар майдондаги боғ, сабзавот ва ползичилик йўналишида ҳам ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Шухрат Ҳамадоний 2006 йили “Шухрат” медали билан тақдирланган. У 2017 йилда таълим муассасаларига кўрсатган ҳомийлик ёрдамлари учун Халқ таълими вазирлигининг “Таълим ҳомийси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Саховатпешанинг иши хайрли бўлади, дея бежиз айтилмаган. “Уста Матсафо” фермер хўжалигининг юксалишида ҳам қўли очиқнинг эл дуосининг ўрни бор, албатта. Фермер хўжалиги 2001 йилдан буён қишлоқдаги 33-сонли мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади. Хўжалик раҳбари Шухрат Ҳамадонийнинг ташаббуси билан 2007-2008 ўқув йилидан бошлаб, аълочи ва жамоатчи ўқувчилар учун “Матсафо ота” номидаги степендия жорий қилинган. Унда ҳар чорак якунида яхши ютуқларга эришган ўқувчилар рағбатлантириб борилади. Бундан ташқари, жорий ўқув йилидаги “Менинг мактабим – менинг уйим” деб номланган сўнги кўнги-роқ тадбирида 20 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчига мукофот топширилди.

Яқинда 5 та ташаббус доирасида мактаб кутубхонаси учун кўпплаб китоблар совға қилди.

Ҳа, қўли очиқнинг кўнгли, йўли очиқ дейишди. Шу маънода айтганда, “Уста Матсафо” фермер хўжалигини йил сайин юксалтираётган шовотлик ака-укалар элнинг дуосини олиб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшавердилар.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Раҳматлик уста Матсафо ота ҳам Бешмерган қишлоғида туғилиб ўсди. Ота-боболари каби у ҳам бир умр ҳалоллик, поклик, адолат ва ҳақиқатни ўзига шior қилиб яшади. Унинг болалиги айни қийин даврларга тўғри келди. Юртда уруш, очарчилик авж олган вақтлар...

Қанчалик қийналмасин, ўзининг эътиқодига бир умр содиқ қолди. У дастлаб Бўйрачи қишлоғидаги пахта пунктида ишчи, кейинчалик собиқ “Сохибқор” жамоа хўжалигида бригадир бўлди. Бу орада аёли Саодатжон ҳожи она билан ўн фарзандни вояга етказди.

У қўли гул уста бўлиб, лойдан элдошларига иморатлар қуриб берган. Қишлоқда унинг қўли тегмаган иморат йўқ ҳисоби. Шу боис, шовотлик уни уста Матсафо, дея эъзозлашди.

Бригадирчиликдан нафақага чиққан Матсафо ота уйда ўтиришни эп кўрмай, 1990 йили 2 гектар ер олиб, хўжалик билан йилга 2 тонна гўшт ва 2 тонна сут топшириш бўйича шартнома тузди ва ишни бошлади. Хўжалик билан тузилган шартномага асосан ҳар

йили режаларини ортиғи билан бажариб келган. Астойдил қилинган меҳнат ва даромадни тўғри сарфлаш натижасида 5 йилда 3 бош қорамол 40 бошга етди. Мол бош сони кўпайган, ер майдонини ҳам шунга яраша кенгайтириб борди.

Бу биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Хоразмда донғи чиққан “Уста Матсафо” кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил топишининг қисқача тарихи эди. Уста бошлаб берган бу ташаббус кейинчалик мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёйиб, фермерлик ҳаракати бошланиб кетди.

Матсафо ота 2003 йили дунёдан ўтган, фарзандлари оиланинг тўнғичи Раҳмонберган атрофида жипслашишди. Раҳмонберганнинг асли касби иқтисодчи бўлгани учун хўжаликнинг иқтисодини тезда жонлантирди. Бутун саъй-ҳаракатни отаси бошлаб берган фермер хўжалигининг равнақ топтиришга қаратди. Иккинчи фарзанд олий тоифали ўқитувчи “Халқ таълими аълочиси” Оллаберган Ҳамадоний ҳам ишдан бўш вақтларида фермер хўжалигининг ишларига кўмаклашиб туради.



Оиладаги оғизбирчилик, ҳалоллик, саховатпешалик албатта, Матсафо отадан фарзандларига ўтди. Сақиз ўғил бир бўлиб, иш бошлади. Хўжалик кўптармоқли эмасми, унинг ҳар бир соҳасига оиланинг аъзоларидан бири маъсул этиб бириктирилди. Жасурбек чорвага, пахтачилик йўналишидаги ишларга Санъатбек, Ҳикматжон донли экинларнинг парвариши ва уларни йиғиб-тегиб олишга, Ражаббой Ҳамадоний эса хўжаликнинг техникалари соатдек бир маромда ишлаб туриши учун маъсул.

“Уста Матсафо” фермер хўжалиги асли чорвачилик йўналиши бўйича ташкил қилинган

гузари” ташкил қилиш режалаштирилиб, бугунги кунда қурилиш ишлари олиб борилмоқда, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Ҳамадоний. – “Маҳалла гузари” ҳудудида сутни қайта ишловчи кичик корхона очилиши ҳам мўлжаллаб турибмиз.

“Маҳалла гузари” фермернинг ўз маблағи ҳисобидан бунёд бўлмоқда. У ерда оталар чойхонаси, эркаклар ва аёллар саломи, дорихона, дўкон ва ёзи тўйхона қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Гузарнинг ишга тушиши билан 20 га яқин ишчи ўрни ҳамда маҳалла аҳли учун қулайликлар яратилади.

Пахта ва галлачилик йўналиши

Сурхондарё вилояти

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни ривожлантириш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш эҳсон суръатларида амалга оширилмоқда. Қисқа вақт ичида “ягона дарча” тамойили бўйича кўрсатилаётган давлат хизматлари сони юздан ортаган бўлса, хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилаётган фуқаролар сони 50 баробарга ошди. Бу борадаги ишларни туманимиз мисолида олиб қарасак ҳам ушбу кўрсаткичларнинг янги сифат босқичига чиқиш бораётганлиги яққол кўринади.

Тезкорлик, қулайлик, шаффофлик

Давлат хизматлари агентлигининг бош тамойили

Ўтган йили республикаимизда кўпплаб давлат хизматлари марказларининг бинолари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса миллионлаб фуқароларнинг оғир енгил бўлганлиги, вақти тежалганлиги ва энг муҳими давлат хизматларидан тезкор, осон фойдаланиш имконига эга бўлганидан далолат беради, албатта. Жорий йил бошида Узун туманида ҳам икки қаватли бино қайта таъмирланиб, тез фурсатларда фойдаланишга топширилди. Туманимиз марказига яқин жойлашган ушбу бино ўзининг кўракамлиги, ичидаги жиҳозлари, халққа, марказ ходимларига яратилган шароити билан ҳаммага манзур бўлди.

Шу ўринда туман давлат хизматлари маркази орқали кўрсатилган

хизмат ҳақида маълумот бериб ўтсам. Жумладан, Узун тумани давлат хизматлари марказига ўтган йили жами 24 минг 312 та мурожаат қилинган бўлиб, йил давомида марказ ходимлари томонидан маҳаллалар, савдо мажмуалари, бозорлар ва коллежларда учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Давлат хизматлари кўрсатиш 2017 йилга нисбатан салкам 10 баробарга ўсди. Жорий йилнинг 3 ойи давомида эса бу кўрсаткичлар янада ошган.

Аҳолини марказлар фаолияти, кўрсатиладиган давлат хизматлари билан яқиндан таништириш, одамларнинг марказларга ишончи ва қизиқишини ошириш мақсадида Давлат хизматлари маркази томо-

нидан туманимизнинг олис, чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли, тадбиркорлик қилиш истагиди бўлган ёшлар ва ишбилармонлар билан жами кўпплаб учрашувлар ташкил қилинди.

Маълумки, жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш бўйича қўшимча қулайликлар яратилмоқда. Тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бир неча янги турдаги хизматлар қўшилмоқда. Жорий йилнинг 1 апрель санасидан бошлаб барча хизматлар экстерриториал тамойил бўйича, яъни, исталган ҳудуддаги давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиб, хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлди.

2019 йилнинг 1 августидан бош-

лаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши бекор қилинмоқда. Шунингдек, кўчмас мулк объекти қайта рўйхатдан ўтказилганидан сўнг коммунал хизмат корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан шартномаларни қайта расмийлаштириш

заруриятининг бекор қилиниши ҳам режалаштирилмоқда.

Фуқароларга кўрсатилаётган Давлат хизматлари учун онлайн тўловни “Payme”, “Click” ва “Uray” тўлов тизимлари орқали ҳам амалга ошириш имкони яратилди. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун келган аризачилар телефон рақамларини киритган тақдирда мурожаатларининг ҳолати тўғрисидаги СМС-хабарномалар жўнатилди ва шу орқали миқдор давлат хизмати қайси босқичда эканлигиндан хабардор бўлади.

Давлат хизматлари агентлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси муҳокамаси – regulation.uz сайтига автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказишининг янги механизмини белгилаб бериш ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилди.

Сирасини айтганда, Давлат хизматлари агентлиги ўз фаолиятида ҳамisha очкилик ва шаффофлик тамойилларига амал қилиб, содда-лаштирилган янги хизматлар лойиҳаларини тақлиф қилиб келяпти.

Бобур ҲАҚНАЗАРОВ,
Узун тумани Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

Қашқадарё вилояти

Президентимизнинг 2019 йил 3 июндаги “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонини халқимиз ниҳоятда катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Бағрикенглик

Билмайин босдим тиканни...

Мақкур ҳужжатга мувофиқ, афв этилган фуқароларни ҳаётга қайтариш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев бир гуруҳ афв этилган фуқароларни қабул қилди ва улар билан юзма-юз гаплашиб, муаммоларини тинглади. Ҳаётда ўз ўрнини топиши ва муносиб ҳаёт кечириши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

Масалан, китоблик Нодирбек Раҳматов 27 ёшда йўлдан адашиб, турли бузғунчи оқимларга қўшилиб қолгани боис умрининг энг гуллаган уч йиллини маҳкумлиқда ўтказишга тўғри келди. Бу муддат ичида у қилган хатоларини тушуниб етди. Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, афв этишларини сўради. Озодликка чиқиб, оиласи бағрига қайтди. Мулоқотда у тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдириб, кредит маблағи сўради. Вилоят мутасаддилари унинг илтимосини ўрганиб чиқиб ва ижобий ҳал этишга ваъда берди.

– Президентимиздан бениҳоя миннатдоримиз, бизни ҳаётга қайтарди, – дейди Н.Раҳматов. – Энди ҳеч қачон йўлимдан адашмайман. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотди. Менга билдирилган бу ишончни оқлайман. Ҳалол ишлаб, жамиятимиз ривожига ҳисса қўлишни мақсад қилганман. Мана бугунги қабулда чорвачиликни ривожлантириш учун 10 миллион сўм кредит сўрадим. Вилоят ҳокими мурожаатимни ҳал қилиб берди. Бу пулга қўй сотиб оламан. Тадбиркорлик қилиб, оилам фаровонлиги йўлида сидқидилдан ишлайман.

Ҳаётда ҳамма ҳам адашади, қоқилади. Кўпчилик бундай тўсиқларни ирода ва қатъият билан енгиб ўтади, кимдир енгилроқ йўл ахтаради. Лекин ҳаммамиз ҳам инсон. Сен ёмонсан дея, юзига қора бўёқ чаппаб, маҳкумлиққа банди этиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Кечиримлик, бағрикенглик халқимизга хос азалий қадрият. Китоблик Умиржон Гадов ҳам ҳаётнинг мана шундай ўнқир-чўнқир йўлларида адашганлардан. Хорижга ишлашга кетиб, ёвуз ниятди оқимлар таъсирига тушиб қолди. Шу туфайли 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан у ҳам кечирилди. Муддатдан 3 йилу 15 кун олдин оиласи даврасига қайтди.

– Ҳаётимда янги саҳифа очилди, – дейди У.Гадов. – Ота-онам эрта ўтиб кетишган. Бир синглим бор эди. У ҳам турмушга чиқиб кетибди. Мен йўқлигимда ҳовлимиз эгасизликдан қаровсиз холга келиб қолибди. Биринчи навбатда уйни таъмирлаб, янги уй соламан. Кейин уйланиб, оила қураман. Бугун вилоят ҳокими билан учрашувда чорва қилиш учун кредит ва ер сўрадим. Бу масала шу ернинг ўзида ҳал бўлди. 2 гектар ер ва 30 миллион сўм маблағ ажратилди. Уйимни ҳам таъмирлашга ёрдам бериладиган бўлди. Ростки, ҳаётимда бўлаётган бундай хайрли ишларга ҳали ҳам ишонгим келмапти. Президентимизнинг бағрикенглиги туфайли афв этилиб, озодликка чиқишим, қолаверса, чорва парвариши учун ер, маблағ берилиши, уйимизнинг таъмирланиши худди тушга ўхшайди. Бундай гамхўрликларни кўриб, қилган хатоимдан шу қадар пушаймонманки, виждоним олдида ҳамон ҳисоб бераман. Давлатимиз раҳбарининг бизга билдирган ишончларини албатта оқлайман.

Мулоқот давомида 23 нафар афв этилган фуқаро қабул қилинди ва деярли барчасининг мурожаати ижобий ҳал этилиб, муаммо ва камчиликлари бартараф этилди.

Ў.БАРТОВ,
ЎЗА мухбири.

Фарғона вилояти

Ўзбекларнинг эртагу дostonларидан тортиб, қадимий битикларидаги ривояту ҳикоятларида ҳам, алломаларимиз асарларида ҳам, динимизда ҳам ерчи деҳқонлар энг саховатли, энг муруватли, энг мўтабар инсонлар сифатида тилга олиб келинади. Улар ҳануз шундай – феъли содда, қўли очиқ, гурунчи, меҳмонсевар. Ўзидек одмигина дастурхони ҳамма учун доимо ёзиғлиқ туради.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири.



Азизбек янги қурилган советкчи омбор ишчилари даврасида.

Изланувчанлик барака келтиради



Шаҳриёр фермер отасига қўлдош бўлиб, узумзор парварини ўз зиммасига олган.

тор ораларига ишлов берувчи тракторлар, сеялка, ер текислагич, олтига тиркама бор. Бу техникалар, ўзларидан ортиб, қўшни фермерларга ҳам асқотиб келаяпти.

Фароғатда яшашига бемалол етиб ортадиган маблагини маълум даражада хатарга қўйиб, фаолиятини янада кенгайтириш йўлида гоҳо тавақалчиликка қўл уришдан-да чўчимайдиған сармоядор-

Хўжалиқда бу йил яна бир тармоқ пайдо бўлди. Яқинда икки минг тонна мева-сабзавот сақлашга мўлжалланган советкчи омбор қуриб битказилди, қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Умуман олганда, ушбу хўжалиқда 181 нафар ишчи мўқим маош олиб келмоқда. Мавсумий ишларда уларнинг сони икки-уч барабаргача кўпаяди. Мухтарам Президентимиз



Замонавий техника чорва озукасини мустақкамлашда жуда қўл келмоқда.

Маъруф САНГИНОВ олган суратлар.

Беш гектар майдонда тоқзор барпо этилган. Уларнинг аксарияти бозорларда жуда харидорлиқ бўлган "Хусайни", "Мерс" каби навлардан иборат. Азизбекнинг тўғич фарзанди, олий маълумотли ирригатор Шаҳриёр دادасига қўлдош бўлиб, фермерлик сирларини астойдил ўзлаштира бориш билан бирга, узумзорни тўлиғича ўз тасаруфига олган.

– Болаларимиз, даладан ташқари, уйда ҳам кўпроқ ёни-мида бўлади, – дейди Азизбек. – Озим-кўп билганимизни аввало шуларга ўргатамиз-да.

Ютуқларни мустақкамлашда фермер бировларнинг қўлига қараб қолмаслиги, ўзига зарур бўлган иш қуролларига имкон қадар тўлиқ эга бўла бориши жуда муҳимдир. Ҳозир бу хўжалиқда Германиянинг "АХОС", Россиянинг "БТ – 150" ҳайдов тракторлари, "Klaas" дон ўриш комбайни, боғ парваршида қўлланладиган "Белорус" трактори, битта юк ташувчи, иккита қаларнинг тантилиги, ўзгаларга тобора кўпроқ риққ улашишга интилавериши ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Азизбекда ҳам ана шундай ҳислат мавжуд. У елиб-югуришдан чарчамай, маҳалласига яқин жойда тикувчилик цехини ташкил этди. Наманганлик ишбилармон дўстлари кўмағида мутахассисларни олиб келди, улар ёшларга касб сирларини ўргатди. Натижада, ўттиз нафарга яқин қиз-жувон ишли бўлди. Улар тиклаётган тўқсон фоиизини экспортга йўналтираётган машҳур "Фромодатекстиль" тикувчилик корхонаси даражасига етишни ният қилганлар.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ой сайин эмас, кун сайин шиддат-ла ривожланиб, қиёфаси кўркамлашиб бораётган юртимизда янада бири биридан улкан режалар кўзланмоқда. Буларнинг амалга ошишида эса инсон омилли қил қилувчи аҳамиятга эгаллиги ҳеч кимга сир эмас. Метин иродаси, меҳнатсеварлиги билан жаҳон аҳлининг назарига тушган азамат халқимиз маънодор мақоллар тўқишда ҳам беназир. Шу мақоллардан бирида: "Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди", дейилади. Азизбек элнинг юкига дангал өлка тутиб келаётган минг-минглаб жонбозлардан биридир.

Гайрати тошқин, изланувчан, ташаббускор дўстларимиз, шижоаткор фарзандларимиз сафи кундан-кунга ортаётган экан, бундан-да улканроқ ютуқларга эришаверишимизга, турмушимиз янада фаровонлашиб бораверишига асло шубҳа йўқ.

Худудий жиҳатдан кўҳна Самарқанд билан туташиб кетган Самарқанд туманини бу қадимий кентнинг "яшил белбоғ"ига қиёслашади. Бунинг асосий сабаби, туман деҳқонлари, соҳибкорлари томонидан бутун йил давомида шаҳарликлар дастурхонининг тўқин этилиб келинаётганидир. Туман ер майдонларининг азалдан унамдорлиги, одамларининг доимий меҳнатга чанқоқлиги ана шу "яшил белбоғ" баракасига барака қўшиб келмоқда.

Германия билан ҳамкорлик фаолиятимизнинг муҳим босқичини бошлаб берди



Анвар МАЪРУПОВ, Самарқанд туманидаги "Диор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Бугун фермерлар даласига боқиб кўз туймайди. Эндигина униб чиққан сабзавотлар, картошка, пиёз, саримсоқ, саҳий қуёш нуридан ранг ола бошлаган олма, ўрик, гилос ва бошқа мевалар боғларнинг болга, полизу мевазорларнинг баракага, деҳқону соҳибкорнинг қалби баҳорий илиқлик, наҳорий тинқликка тўлиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Дарвоқе, бу майдонларда ҳар йили етиштирилаётган мева, сабзавотлардан нафақат туман ёки Самарқанд шаҳри аҳолиси, балки, бутун Ўзбекистон баҳра олмоқда. Қолаверса, самарқандлик соҳибкорлар пешона тери эвазига етиштирилаётган сархил маҳсулотлар эндиликда жаҳон бозоридан ҳам ўрин эгаллади.

Мен шундай худдудда, гўзал бир масканда яшаётганимдан, оз бўлса-да ана шу диёр одамларига нафим тегаетганидан доимо гуруланаман. Яқинда Германия мамлакатига ўз касбим бўйича малака ошириб келдим. Франкфурт, Штутгард, Бавария шаҳарларида бўлдим. Очиғи, бу юртдаги юксалиш, санату қурилишда, транспорт соҳасида қўлланаётган технологияларга ҳавас қилдим. Германия ишлаб чиқаришини ўз юртимдаги ишлар билан таққослашга ҳаракат қилдим. Англа-

ним шу бўлдики, улар биздан анча илдам кетишмоқда. Аммо биздаги бугунги ҳаракат ҳам хорижликдан қолишмайди. Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари яққол кўзга ташланиб қолди. Ишқилиб, кўз тегмасин.

Бу юртда янгича технологияларни ўрганиш билан бирга ишбилармонлар доирасида ҳамкорлик тўғрисида шартномалар ҳам имзолашга ҳаракат қилдим. Улардан бирининг натижаси яқин орада корхонамизга "Мерседес Бенц" русумли 20 та юк машинасининг келтирилишидир. Айни дамда Самарқанд туманида етиштирилаётган кишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини хориж давлатларига етказиб бериш билан шуғулланаётган корхонамизда 15 нафар малакали ҳайдовчи меҳнат қилмоқда. Янги хориж автомобиллари келтирилган, яна 40 ишчи ўрни яратилди.

Мамлакатимиздаги нуфузли сановат корхоналари ҳамда қўллаб фермерлар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. "Ўзаротранс" бизга таъсисчи сифатида яқиндан ёрдам бермоқда. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосан Россия ва Қозғоғистон мамлакатларига етказиб бермоқдамиз. Шухрат Ваҳобов, Жасур Обруёв, Искандар Шарипов, Самвел Шоҳназаров каби тажрибали ҳайдовчиларимиз иш жараёнида барчага ўрнатиб бермоқда.

Йил сайин корхона фаолиятининг кенгайиб, хизмат даражасининг оширилиб борилишига ҳаракат қилаяпмиз. Айни пайтда республикамизнинг 7 та вилоятида филиалларимиз мавжуд. Бундан ташқари, маҳаллий шароитдаги қўллаб хусусий автомобиллар эгалари ҳам биз билан шартнома асосида ишлаяпти.

Германия билан ҳамкорлигимиз фаолиятимизнинг янада кенгайишига, иктисодийимизнинг барқарорлашишига, келажақда яна бир қанча янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

ЎЭълон

ҲУРМАТЛИ тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!
"КО`СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ ТАКРОРИНГ ОЧИҚ АУКЦИОН КАНДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!
"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Муллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 11 июндаги 609-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида жойлашган, умумий майдони 2600, 45 кв.метр, қурилиш ости майдони 1462, 15 кв.метр, савдо расталари, автотураргоҳ 3 та литердан иборат, 1 қаватли "Қораўзак деҳқон бозори" мажмуаси. **Бошланғич баҳоси – 5 081 062 661 сўм.**
Аукцион савдоси 2019 йил 21 июнь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхта-тилади.
Юқоридаги мулк 2019 йил 21 июнда сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари **2019 йил 25 июнь 1 июль** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхта-тилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғри-

Картошка етиштирувчиларга имтиёз бериладими?

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда картошкачилик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан картошкачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётир.

маҳсулотлари билан кафолатли тўладириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.
Ушбу қарор асосида республика-миздаги уруғлик картошка етиштирувчи фермер хўжаликларига сифатли, сертификатланган жами 28 минг 395 тонна уруғлик картошка етказиб берилади, шундан 19 минг 95 тоннаси четдан олиб келинади. Уруғликни четдан олиб келадиган хўжалик юри-тувчи субъектларга ҳукуматимиз то-монидан қўлдош қилинган уруғлик картошка бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш, четдан кел-тириладиган уруғлик картошканин-г қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъ-минлаш мақсадида имтиёзли (50%) тарифларда темир йўл хизматлари кўрсатилади.
Шу ўринда қарорда қўрсатил-ганидек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йил ҳосили учун картошка экадиган фермер хў-жаликлари ва бошқа қишлоқ хўжали-ги корхоналарига уруғлик картошка харид қилиш учун 136 миллиард

Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамасининг "2019 йил учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етишти-ришининг прогноз ҳажмлари тўғриси-да"ги қарорига мувофиқ, асосий ва галладан бўшайдиган майдонларга уруғлик ва истеъмол картошкасини экишга жалб этилган қишлоқ хўжа-лиги корхоналари ва ички бозорга иктимой муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кафолатли етказиб бериш мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг "2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирув-чиларга уруғлик картошка етказиб бериш ва ички истеъмол бозорини иктимой муҳим турдаги озиқ-овқат

Элёр ТОШПҮЛАТОВ, Картошка етиштирувчилар уюшмаси раиси.

Лицензия RR-0001.

Тўрт юз минг кўчатнинг "меҳрибон тарбиячи"лари

Улкан маистрал йўл бўйлаб кетаётган, йўл атрофида барпо этилган каптазна бокча кўзимиз тушиди. Юқори Чирчиқ тумани "Бордонкўл" ҚФЙга қарашли Файзиобод маҳалласи ҳудудига жойлашган, Қахрамон ака Илҳомбеков бошчилигидаги "Эко Агро Продукт" хусусий фирмасига қарашли ушбу боғ 135 гектар майдонни эгаллаган. 2015 йили шлк кўчатлар ерга қадалган.

Тошкент вилояти

Боғда чет элдан келтирилган 6 турдаги (олма, гилос, нок, шафтоли, ўрик, олхўри) юқори навли 400 мингга кўчат мавжуд бўлиб, улар 20 дан ортик ишчи ходим ва мавсумий ишчилар меҳнати ҳисобига савлат тўкиб турибди. Кўчатлар томчилатиб сугориш технологияси асосида ҳаво ҳароратига қараб сугорилар ва Спидер ССТ усули-

да парвариш қилинар экан. – Ниҳол тарбияси фарзанд тарбиясидек нозик. Ҳар иккисид ҳам йўл кўйилган хато кеңирилмайди, – дейди фирма раҳбари Қахрамон ака.

Узунлиги ўртача 200 метр бўлган кўчатлар қаторини оралаб, боғ тарбиячиси, агроном Шерзоджон Ҳайдаров бошчилигида тер тўкаёт-

ган бир гуруҳ ишчи ходимларга кўзимиз тушиди. Кетма-кет ёнгарчилик бўлганлиги сабабли, ўсимлик ширасига қарши кураш – дориллаш жараёни аллақачон бошлаб юборилган. Уларга тажрибали машинистлар: Маҳмуджон ака ҳамда Ҳасанбой измидаги "New Holland" русумли дала дастёри – тракторлари билан кўмакчилик қиларди. Бизга маълум бўлишича, ушбу ма-сканда ана шундай тракторлардан 5 таси хизматга шай. Жараёни кузата туриб яқинда Туркия ва Италияда малака ошириб қайтган Шерзод Ҳайдаровга савол бердик.

– Айтингчи, тажрибангиздан келиб чиқиб кўчат тарбиясида қандай инновацион усуллар билан ёндашасиз?

– Ҳаммаси оддий, – дейди у. –

Кексаларимиз меҳр-муҳаббатда гап кўп, дея бежизга айтишмаган. Биласизми, инсонларнинг табиати, руҳий ҳолати, ўзини тутиши турлича бўлгани каби кўчатларнинг орасида ҳам турли хил табиатлиси учраб туради. Касбимизнинг нозик жиҳатларидан бири ҳам шу. Биз ҳамма кўчатга бир хил муомалада бўлмаймиз. Сабаби, уларнинг табиати ҳар хил. Бирига қўллаган усулингиз бошқасига ёқмаслиги, натижада кўчатнинг зарарланиши, кўп ҳолларда қуришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун эринмасдан уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор кўрсатиб, керак бўлса улар билан суҳбатлашиб чиқамиз. Айниқса, нок дарахти жуда нозиктабиат бўлиб, алоҳида меҳр эътиборни, ҳушёрлиқни, зий-

ракликни талаб этади. Харажати ҳам каттарок.

Сугоришда янги технология – тўлиқ компьютерлаштирилган "Метео станция" қурилмалари ёрдамида томчилатиб сугориш қўллаб келинмоқда. Бунда ўрнатилган кичик метео станциялар Wi-fi билан "қуролланган" бўлиб, унинг ёрдамида марказий электрон тизимга сугориш тўғрисидаги маълумотни етказилади. Маълумот қабул қилинган, компьютерлаштирилган тизим орқали буйруқ берилади ва сугориш амали бажарилади.

Яқинда 4 минг тонна сизимга эга музлаткич харид қилдик. Маҳсулотларимизни сифатли сақлаш ва қайта ишлаш амалиётини бошламоқдамиз. Қолаверса, яқин фурсатларда жаҳон стандартларига жавоб берувчи "Халол" ва "Глобал Гобт" сертификатларини олиш арафасида турибмиз. Бу эса бизга жаҳон бозорига чиқиш имконини беради.

Фаёзжон ҚОСИМОВ



Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.

Сиз газетамизга қайси обуна уюштирувчи ташкилот орқали обуна ташкил этиш маъқул ва қулай бўлади, деб ўйлайсиз? Сиз бугун қайси обуна уюштирувчи орқали газета оляпсиз ва у сизга манзурми?

Шу ҳақда бизга маълумот беринг! Бу обуна уюштириш, уни етказишни тўғри ташкил этишда бизга кўмак бўлади.

Тел.: (71) 236-26-50, (71) 233-40-87.

Телеграмм: (90) 920-43-70. Факс: (17) 233-09-93.

Web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz



Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг 12 гектар ойнали, 2,3 гектар плёнкали, жами 14,3 гектар майдондаги иссиқхоналарни ўрнатилган тартибда юридик ва жисмоний шахслар учун фойдаланишга ижарага берилишини эълон қиламиз.

Ижара асосида фойдаланишни хоҳловчилар институтнинг молия иқтисодиёт бўлимига 2019 йилнинг 1 июлигача мурожаат қилишини сўраймиз.

Маълумот учун телефон: (71) 220-26-39, (71) 220-24-42.

АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ИШ ЎРИНЛАРИГА ВАКАНТ ЖОЙЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари
2. Иқтисодий таҳлил бўлими бош иқтисодчи
3. Иқтисодий таҳлил бўлими иқтисодчи
4. Ишлаб чиқариш ва маркетинг бўлимига бўлим бошлиғи
5. Иссиқхона бригадири

ИШГА КИРИШ УЧУН ТОПШИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

- 1. Паспорт
2. Меҳнат дафтарчаси
3. Диплом
4. Расм – 3х4(оқ фонда)

Маълумот учун телефон: (71) 220-24-42, (71) 220-28-13.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф П (Б) Бульдозер
• Бульдозер-погрузчик БД-750
• Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф П
• Асфальтторез
• Подъемник БД-09
• "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2



Махсулотлар сертификатланган. Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz



Расмий дилер «Ўзагротексаноатхолдинг» АЖ
Қурув-тун: 71 280-00-17
promzona.uz
Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Биргина т.да Жазирно-2а маҳалласи бўйича рўйхатга олинган "PROMZONA CAR AVTO" МЖК (СТПР 302401227) устав фонди 255 322 300 сўмдан, 10 000 000 сўмга камайтирилган ҳолда, илтимос шаклида хусусий корхонага ўзлаштирилиши маълум қилади. Маълумот учун тел.: (71) 215-15-22, (83) 520-90-20, (90) 988-01-09.

"XALQ SUG'URTA" МЧЖ СК томонидан "Абдувоҳиджон Шухратович" ХК номига берилган 0204170-сонли, Суғурта агентлиги "LEGAL INFO NI MOYA" МЧЖ томонидан иш жараёнида йўқолган ВН 0074406, ВН 0074407, ВН 0074408, ВН 0074409, ВН 0074410, ВН 0074411-сонли, "IDEAL LEASING UNIT" МЧЖ номига берилган 0193131-сонли, ЯТТ Машарипов Эргаш Давлатназарович номига берилган 0115987-сонли полис бланкларни йўқолганлиги сабабли ўз юридик кучини йўқотганлигини маълум қиламиз.

СПЕШИТЕ ПРИОБРЕСТИ СОВРЕМЕННУЮ ТЕХНИКУ!!!

Advertisement for Kamaz trucks and trailers with prices and specifications. Includes models like KAMAZ 5490 (NEO), KAMAZ 5460, KAMAZ 6460-26001, KAMAZ 6460-001, and trailers like Шторно-тентовый полуприцеп 92 м³, Полуприцеп-рефрижератор 83 м³, and Прицеп шторно-тентовый 50 м³.

ТРАКТОРВОР.UZ

Advertisement for Traktorvor.uz featuring a fleet of tractors and the text: «МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ. Includes contact info: (+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125.

QISHLOQ HAYOTI
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлиги
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадҷон ТОШБОЛАЕВ, Абдураул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУҲАЙРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Ҳатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04
Вилоятлар:
Андижон (+99893) 630-73-03,
Бухоро (+99891) 401-29-59,
Жиззах (+99893) 940-10-78,
Навоий (+99891) 332-50-99,
Наманган (+99893) 948-53-88,
Фарғона (+99890) 407-76-03,
Самарқанд (+99897) 575-50-67,
Сирдарё (+99894) 168-23-60,
Сурхондарё (+99890) 520-20-05,
Тошкент (+99890) 978-39-58,
Хоразм (+99897) 790-47-61,
Қашқадарё (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-625, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-й.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
5 992 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топширилган вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.00

ISSN 2010-7021
Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ